2010 йил 4 май, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (11.646)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### ОТБНИНГ ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ:

# РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 3 май куни Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг Осиё тараққиёт банки билан кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлаймиз, сўнгги йилларда ҳам кредит портфели ҳажми бўйича, ҳам Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик доирасида етакчи халқаро молия институтига айланган мазкур банк муҳим стратегик шерикларимиздандир, деб таъкидлади.

Осиё тараққиёт банки президенти Харухико Курода ўз чиқишида Президент Ислом Каримов ва Ўзбекистон халқига ОТБнинг мазкур форуми – банк Бошқарувчилар кенгашининг Марказий Осиёда илк бор ўтказилаётган мажлисини ташкил этишда кўрсатган катта ёрдами учун миннатдорлик изҳор этди. ОТБнинг асосий вазифаси Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатларга иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишда кўмаклашиш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон ресурсларини ривожлантириш, экологик муаммолар, жумладан иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ёрдам беришдан иборатдир.

1966 йилда ташкил этилган Осиё тараққиёт банки бугунги кунда катта молиявий ва техник имкониятларга эга. 67 давлат, жумладан, Осиё-Тинч океани минтақасининг 48, Европанинг саноати ривожланган қатор мамлакатлари, шунингдек, Канада ва АҚШ мазкур банкнинг аъзолари ҳисобланади. Банк ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликка оид лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда ушбу соҳаларда техник кўмак бериш билан бирга аҳолининг миллий салоҳияти ва турмуш сифатини оширишга йўналтирилган, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошираётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ОТБнинг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўла олади. Мамлакатимиз 1995 йилдан буён ушбу йирик халқаро молия ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ 43-ЙИЛЛИК МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам президент Курода!

Муҳтарам бошқарувчилар!

Ҳурматли хорижий давлатлар вакиллари ва меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси иштирокчиларини, нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларини ва Тошкентга ташриф буюрган барча меҳмонларни чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари орасида биринчи бўлиб ушбу муҳим воқеани ўтказишга Ўзбекистон пойтахти танланганини биз учун катта шараф ва мазкур қарорни қабул қилган Осиё тараққиёт банкига аъзо мамлакатлар ҳукуматларига самимий миннатдорлик изҳор этамиз.

Мен ўз нутқимда бугунги анжуманда муҳокама этилаётган мавзуга бевосита тааллуқли бўлган айрим масалалар хусусида қисқача тўхталмоқчиман.

Ўтган 2009 йил жаҳон иқтисодиёти учун ҳақиқатан ҳам оғир синов йили бўлди, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари деярли ҳеч бир мамлакатни четлаб ўтмади.

Нуфузли халқаро таҳлилчи ва экспертларнинг фикрига кўра, инқирознинг энг оғир ва кескин босқичи ортда қолганига қарамай, ҳали иқтисодиётни тиклаш бўйича ўта мураккаб, машаққатли ва узоқ муддатли жараён олдинда турибди.

Жаҳон иқтисодиётининг инқироздан чиқиши йўлида пайдо бўлаётган муаммоларни таҳлил қилганда, биринчи навбатда, ўсиш суръатларининг беқарор ва паст даражада экани, ишсизликнинг юқори даражада сақланиб қолаётгани, иқтисодиёт реал сектори молиявий аҳволининг сезиларли равишда ёмонлашаётгани ва аҳоли реал даромадларининг пасайиши ҳақида гапиришга тўғри келади.

Баъзи мамлакатларда давлат бюджети тақчиллиги, жумладан, давлат қарзи ҳажми ошиб бораётгани хавфли миқёс касб этмоқда. Бу эса ушбу қарзларни тўлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши ва ҳаттоки, дефолт ҳолатларига олиб келиши мумкин.

Ички талабнинг паст даражадалиги, айрим ҳолларда эса унинг камайиши кузатилмоқда. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ва изчил ўсишини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Бизнингча, дунёдаги кўплаб етакчи экспертларнинг банк-молия секторидаги ортиқча ликвидлик ва банк-молия секторини бундан кейин ҳам пул ресурслари билан тўлдириш спекулятив капиталнинг авж олиши, фонд ва хомашё бозорларида сунъий "пуфак"ларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратиши, бу эса келажакда молия ҳамда валюта бозорларида янги ўпирилишлар билан боғлиқ салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларига қўшилиш мумкин.

Пул эмиссияси ва ҳажмининг ошиши инфляция жараёнларининг хавфли ҳолатларини келтириб чиқариши ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: кўплаб мамлакатларда, айниқса, ривожланган мамлакатларда протекционистик чора-тадбирларнинг кенг тус олаётгани, биринчи навбатда, ривожланаётган давлатлар ва умуман, жаҳон иқтисодиётини тиклаш ҳамда ривожлантириш борасида катта муаммолар туғдирмоқда.

Банк ва молия соҳаларининг давлат томонидан тартибга солиниши, банк капиталини тизимли назорат қилишни таъминлаш механизмлари ва воситалари, шунингдек, бу борада халқаро молия институтларининг роли ҳақидаги масала экспертлар ҳамда расмий доираларнинг минтақавий ва глобал даражадаги асосий муҳокама мавзусига айланмоқда, десам, ўйлайманки, асло хато бўлмайди.

Бу мавзудаги баҳс-мунозараларда билдирилаётган айрим таклифлар, хусусан, молия ва банк сектори фаолиятини глобал миқёсда назорат қила оладиган халқаро молия институтини шакллантириш таклифи эътиборга моликдир. Мазкур институт зиммасига жаҳон бозорида спекулятив банк фаолиятини, жумладан, халқаро савдони ва халқаро молия бозорини умуман мувозанатдан чиқариши мумкин бўлган дериватив ва бошқа "қуруқ" қимматли қоғозлар соҳасини назорат қилиш вазифасини юклаш таклиф этилмоқда.

Бу ҳақда гап кетганда, бизнинг назаримизда, АҚШ Президенти Б.Обама томонидан илгари сурилаётган АҚШ молия институтларининг операцияларини назорат қилиш ҳамда солиқ тўловчилар маблағлари ҳисобидан деривативлар билан амалга ошириладиган, фақат таваккалчиликка асосланган келишувларни чеклаш бўйича махсус агентлик ташкил этиш тўғрисидаги таклиф эътибор ва қўллаб-қувватлашга сазовордир.

Ўйлайманки, бу масалада узоқ вақтдан буён давом этаётган баҳс ва мунозаралар натижасида барча томонлар учун мақбул бўлган оқилона ечим топилса, шубҳасиз, бу – инқироз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасидаги энг катта ютуқлардан бири бўлади.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Жаҳон инқирозининг ҳар бир мамлакатга қай даражада таъсир кўрсатгани, аввало, ўша мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар моделига, молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нақадар барқарор ҳамда мустаҳкамлигига, уларда ҳимоя механизмларининг нечоғли кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 май куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси молия вазири Се Сюйжэнни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди.

– Биз давлатларимиз ўртасида қарор топган яқин дўстона муносабатларни юксак қадрлаймиз, – деди Ислом Каримов. – Хитойнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузи ортиб бораётгани диққатга сазовордир.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг изчил ривожланишида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз мутахассислари ва ишбилармон доиралари вакилларининг мулоқотлари мунтазамлик касб этиб, самарадорлиги ошиб бормоқда. Ўзбекистон ва Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам фаол ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

Савдо-иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида 1994 йилда қабул қилинган энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилади. Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида Хитой етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Хусусан, 2009 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мамлакатимизда 223 та Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Се Сюйжэнь самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, иқтисодиётни ривожлантириш бўйича «ўзбек модели» асосий тамойилларининг аҳамияти ва самарадорлигига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг муваффақият билан амалга ошираётган инқирозга қарши чоралар дастури натижаларига юксак баҳо берди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

**Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Наото Канни қабул қилди.**

– Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошланган ва тобора мустаҳкамланиб бораётган Япония билан ўзаро ҳамкорлигимиз ривожидан мамнунмиз, – деди давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Япония муносабатлари 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланмоқда. Япония мамлакатимизнинг кўп йиллик ва ишончли сармоявий шерикларидан биридир. Унинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган молиявий ресурслари ҳажми 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Иқтисодий соҳадаги алоқаларни ривожлантиришга иқтисодий ҳамкорлик бўйича икки томонлама қўмиталар салмоқли ҳисса қўшмоқда. Уларнинг қўшма мажлисларида иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланишнинг тегишли соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтириш бўйича аниқ таклифлар кўриб чиқилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ва Япония ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Улар ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлашга, мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-гуманитар ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси доирасида 1 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан JICA ўртасида қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг янги кредит битими имзолангани ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан яна бир далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда Наото Кан самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикасида муваффақият билан амалга оширилаётган инқирозга қарши чоралар дастурига, барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли модернизация ишларига юксак баҳо берди.

Суҳбат чоғида ОТБнинг Тошкентда ўтаётган халқаро анжумани минтақавий ва халқаро аҳамият касб этадиган долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, сармоявий соҳада ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун яхши имконият экани қайд этилди.

**(ЎзА)**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)ни сайлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.**

**• Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида «Соғлом она – соғлом бола» ҳафталиги ўтказилди. Ҳафталик давомида малакали тиббиётчилардан иборат 26 махсус бригада чўл ва тоғ қишлоқларида яшовчи аёлларни, болаларни тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратди.**

**• Қоровулбозор шаҳрида "Жаннат сути" масъулияти чекланган жамиятининг замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган сутни қайта ишлаш корхонаси иш бошлади. Ўнга яқин киши меҳнат қилаётган кичик корхонада кунига 1,2 тоннагача сут қайта ишланмоқда. Лойиҳа қуввати ўзлаштирилгач, бу кўрсаткич тўрт тоннага етади ва ишчилар сони ҳам ошади.**

**• Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт саройида ўсмирлар ўртасида юнон-рум, эркин ва аёллар кураши бўйича ўтказилган йирик халқаро турнир давомида ҳамюртларимиз Сингапур олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берувчи тўртта йўлланмани қўлга киритишди.**

**• Денов тумани ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши, прокуратура, Ички ишлар ва бошқа қатор ташкилотлар ташаббуси билан «Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз» шиори остида Деновдаги марказий ўйингоҳда беш минг нафардан ортиқ ўсмир-қизлар иштирокида ёшлар форуми бўлиб ўтди.**

**• «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Гулистонда «Камалак билимдонлари» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда ижодий беллашувларнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 10 та жамоа ғалаба учун кураш олиб борди.**

## ЖАҲОНДА

**• Кеча Буюк Британиянинг «Бритиш Петролеум» компанияси раҳбари Тони Хейворт Мексика кўрфазида ўз компаниясига тегишли платформанинг шикастланиши натижасида атроф-муҳит экологиясига улкан салбий таъсир кўрсатаётган кенг кўламдаги нефтнинг оқиб чиқишини тўхтатиш юзасидан барча сарф-харажатларни қоплашга тайёр эканлигини билдирди.**

**• Грециядаги оғир иқтисодий аҳвол натижасида аҳолининг норозилиги тобора кучайиб бормоқда. Жумладан, кеча мамлакат ҳарбийлари норозилик намойишини ўтказган бўлса, бугун давлат сектори ходимлари 48 соатлик иш ташлаш эълон қилдилар. Бу айниқса халқаро авиапарвозларга кескин таъсир кўрсатади.**

**• Шамолнинг ўз йўналишини ўзгартириб, Исландияда отилаётган вулқон кулларининг тезлик билан мамлакат ҳудудига яқинлашаётгани боис бугун Ирландия ўзининг барча ҳаво парвозларини бекор қилди.**

**• Шу йилнинг биринчи май куни Нью-Йоркдаги марказий Тайм-сквер майдонида террорчилик ҳаракатини амалга оширишга уринишда айбдор кимсанинг шахси аниқланди. Яъни, теракт амалга оширилиши лозим бўлган машинани сотиб олган киши келиб чиқиши покистонлик бўлган АҚШ фуқаросидир. Ҳозирда тергов ишлари олиб борилаётганлиги муносабати билан ушбу шахснинг исми-шарифи ошкор қилинмаяпти.**

**• АҚШнинг жануби-шарқий қисмида кучли бўрон билан узлуксиз ёмғир ёғиши натижасида камида 20 киши ҳаётдан кўз юмди. Минглаб одамлар сув тошқинлари юзага келган жойлардан эвакуация қилинди. Сув тошқинлари муносабати билан бир нечта штатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**





# УМУМАРМИЯ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

**Ҳаётимиз тинч-осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги кўп жиҳатдан Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган юрт ўғлонларининг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги, она Ватанимиз посбонларининг фидойилигига боғлиқдир.**

Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва умумармия ўйинлари ҳам шу маънони ўз ичига қамраган ҳолда ҳар икки йилда ташкил этиб келинади.

Бу йилги мусобақанинг тантанали очилиш маросими Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи ўйингоҳида бўлиб ўтди.

Ҳарбий оркестр садолари остида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини кикбоксинг бўйича уч карра жаҳон чемпиони, қўл жанги бўйича Осиё чемпиони Бахтиёр Норов ва халқаро тоифадаги спорт устаси, Олимпиада ўйинлари қатнашчиси Любовь Перепелова кўтардилар.

Ўйингоҳ узра давлатимиз мадҳияси янгради. Мусобақа машъаласи 2008 йилги Пекин Олимпиадасининг дзюдо бўйича бронза медали соҳиби Ришод Собиров ва 2009 йил трамполиндан сакраш бўйича жаҳон чемпиони Анна Савкина томонидан ёқтирилди.

Майдонга тўртта ҳарбий округлар, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Чирчиқ Олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Жиззах олий ҳарбий авиация, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ва учта ҳарбий қисм спорт жамоалари кириб келди.

Очилиш маросимида қайд этилганидек, мусобақанинг ўтказишдан мақсад Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спортни тарғиб-ташвиқ қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда ҳарбийларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган. Хусусан, 2004 йилги мусобақаларда иштирокчиларнинг 30 фоизга яқини спорт устаси, спорт усталигига номзод, турли разрядлар соҳиби бўлган бўлса, 2006, 2008 йилларда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этди. Беллашувларни республика ва халқаро тоифадаги ҳакамлар бошқариб бораётгани ҳам мусобақаларнинг нуфузидан дарак беради.

— Мамлакатимизда ҳарбий спортчилар етишиб чиқишига берилаётган кенг имкониятлар сарҳадларимиз дахлсизлиги, тинч, осойишта кунларимиз гаровидир, — дейди кичик сержант Жаҳонгир Мардонов. — Биз ҳам жисмоний имкониятларимизни янада ошириб, халқимиз томонидан ишониб топширилган улкан масъулият — юртнинг чинакам посбонлари бўлиб етишишда бор кучимизни сафарбар этишга ҳаракат қиламиз.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросими доирасида ўзбек эстрадаси юлдузлари Севара Назархон, Ирода Искандарова, Гули Асалхўжаевалар ижросида она Ватанимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Умумармия ўйинлари 7 майга қадар давом этади. Посбонларимиз ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, ҳарбий кўпкураш, тош кўтариш, кураш, бокс, енгил атлетика, волейбол, сузиш, стол тенниси бўйича ўзаро куч синашади.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

## Диққат, танлов!

# «АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА»

***Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида мазмундор ва сифатли ёритилишига эришиш мақсадида «АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ОАВ НИГОҲИДА» кўрик-танлови ўтказилади. Ушбу танловда журналистлар билан бир қаторда ҳуқуқшунослар ҳам иштирок этиш имкониятига эга.***

Танловга иштирокчилар томонидан тақдим этилган, ҳар йилнинг 1 мартидан 1 ноябригача бўлган даврда газета, журнал, интернет нашрларида эълон қилинган ўзбек, рус ёхуд қорақалпоқ тилидаги мақолалар, телевидение ва радиода эфирга узатилган материаллар ёзилган CD-дисклар ва аудиокассеталар қабул қилинади.

Тақдим қилинган материаллар қуйидаги мезонларга кўра танланади:

а) ёритилаётган масалаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини очиш даражаси ва унинг мазмуни;

б) материалнинг мавзуга доир ва тушунарли берилиши;

в) материалнинг жозибадор ва ўзига хос берилиши;

г) материалларда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар аҳамиятининг кенгроқ очиб берилиши;

д) Баркамол авлод йили муносабати билан миллий қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар аҳамиятини ёритиш;

е) тизим таркибига кирувчи муассасалар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ва уларнинг натижаси ҳақида;

ж) қонун ҳужжатларини тарғиб этиш ва кенг жамоатчиликка моҳияти ва мақсадларини халқчил тилда етказиш.

Кўрик-танлов ғолиблари қуйидаги номинациялар бўйича тақдирланади:

1. «Энг яхши телелавҳа».
2. «Энг яхши радиоэшиттириш».
3. «Энг яхши мақола».
4. «Энг яхши интернет материали».
5. «Энг яхши видеоролик».

Ғолибларни ушбу совринлар кутмоқда:

1. 3 та биринчи ўрин учун рангли телевизор.
2. 3 та иккинчи ўрин учун диктофон.
3. 3 та учинчи ўрин учун DVD магнитофон.
4. 1 та энг яхши интернет материали учун фотоаппарат.
5. 1 та энг яхши видеоролик учун рангли телевизор.

Шунингдек рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам таъсис этилган.

Танловда иштирок этиш учун материаллар ҳар йилнинг 1 ноябригача қабул қилинади.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон:**
**(998-71) 233-39-84,**
**Факс: (998-71) 233-39-84**
**E-mail: press@miniust.gov.uz**

## Анжуманлар

# БАРКАМОЛ АВЛОД МАЪНАВИЯТИ ЙЎЛИДА

**Китоб инсоният ақл-закосининг маҳсули, кишилик маданияти, илм-фан ютуқлари, адабиётни асрлардан асрларга етказувчи бебаҳо хазинадир.**

Истиқлол йилларида болаларнинг бебаҳо асарлар билан яқиндан танишишига кенг имкониятлар очиб берилди. Давлатимиз раҳбарининг «Биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган болалар адабиётини ривожлантиришга алоҳида эътибор беришимиз, мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланиши, ҳар қандай китобхонлик, мутолаа маданияти болаликдан бошланишини доимо ёдда тутишимиз лозим», деган сўзлари бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятидан далолат беради.

Республика Болалар кутубхонасида «Болалар китобхонлиги ва мутолаа маданияти — баркамол авлод маънавиятини шакллантиришнинг асосий мезони» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда шу фикрлар доирасида мулоҳаза юритилди.

Тадбирда Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий китоб палатаси, нашриётлар вакиллари, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

— Ўсиб келаётган авлод ҳар томонлама етук бўлиб шаклланишида китобнинг ўрни алоҳидадир, — дейди Болалар кутубхонаси бош мутахассиси Умида Ибрагимова. — Шу маънода бизнинг илм-маърифат масканимизда болажонларнинг мароқли мутолаа қилиши учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ишларни янада яхшилаш, ёшларни кутубхонага кўпроқ жалб этиш фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланади.

Илмий-амалий конференция давомида ёш авлоднинг маънавий дунёсини кенгайтиришда мутолааниНг ўрни, болалар китоблари ва нашрлари, ёш китобхон қизиқишини ўрганишда ижтимоий сўровнинг моҳияти сингари мавзуларда назарий ва амалий жиҳатларга молик хулосалар ўртоқлашилди. Таъкидлаб ўтилганидек, яқинда ўтказилган ижтимоий сўровнома натижасига кўра «Шум бола» (Ғафур Ғулом), «Сариқ девни миниб» (Худойберди Тўхтабоев), «Болалик» (Ойбек), «Алвидо, ғўр ёшлигим» (Тоҳир Малик), «Оқ кема» (Чингиз Айтматов) асарларига болажонларнинг қизиқиши катта бўлиб қолаётир.

Конференция якунида болалар китобхонлигини ривожлантиришга оид аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Ҳумоюн АЛИЕВ**


Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбек давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки

КУТИЛМАГАН ВОҚЕА
Ўзбекистонда илк бор!
2010 йил 17 апрелдан бошлаб 16 майга қадар Тошкент циркининг манежида шу вақтгача уюштирилмаган томоша — «Дельфинлар шоуси» ноёб аттракциони ўтказилади.



Шошилинг!
Томошалар шанба кунлари соат 15.00да, якшанбада эса соат 12.00, 15.00 ва 18.00да бошланади.
Маълумотлар ва жамоа бўлиб келишга талабномалар учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23.

Чипталар цирк кассаларида ва тарқатувчилар томонидан сотилмоқда.
Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.
Касса соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.


## Футбол

# «ПАХТАКОР» ЯНА ПЕШҚАДАМ

**Мамлакат XIX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган 7-тур учрашувларидан сўнг мамлакатимизнинг етакчи командаларидан бири «Пахтакор» яна турнир жадвалида биринчи ўринга кўтарилиб олди.**

Гап шундаки, сафарда «Хоразм» жамоаси билан куч синашган тошкентлик футболчилар Гейнрих томонидан 48-дақиқада киритилган гол эвазига 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди ва очколари сонини 16 тага етказиб олишди.

Шу кунгача турнир жадвалида карвонбошилик қилаётган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси эса ўз майдонида «Насаф» билан кечган муросасиз беллашувда 1:1 ҳисобида дуранг натижа қайд этиб, 14 очко билан иккинчи ўринга тушиб кетди.

Амалдаги мамлакат чемпиони «Бунёдкор»га эса ушбу турда омад кулиб боқди. Тошкентда «Нефтчи» жамоасини қабул қилган Сколари шогирдлари муросасиз кечган баҳсда 1:0 ҳисобида зафар қучишди. Мухлисларга қувончли онларни ҳадя этган тўпни дарвозага 63-дақиқада Сервер Жепаров йўллашга муваффақ бўлди. Ушбу ғалабадан сўнг «Бунёдкор»нинг очколари ҳам 14 тага етди.

Қолган учрашувлар қуйидагича якунланди: «Динамо» — «Қизилқум» — 0:0, «Андижон» — «Локомотив» — 2:0, «Олмалиқ» — «Шўртан» — 1:0, «Машъал» — «Металлург» — 1:1.

Мамлакат XIX миллий чемпионатининг 8-тур баҳслари 6,8 май кунлари бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**


«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (3712) 233-21-56.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32. 2-қават, 208-хона.


# АЗИЗ ВА МЎЪТАБАР, МУНИСУ МЕҲРИБОН ОНАЖОНИМИЗ САЛОМАТХОН!

***Сизнинг табаррук тўқсон ёшга тўлишингиз ҳар биримизнинг қалбимизда фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда. Уйимизнинг фариштаси бўлмиш Сизга мустаҳкам соғлиқ тилаб, фарзандларингиз, невараларингиз ва эвараларингиз бахтини кўриб юришингизни Яратгандан сўраймиз.***

***Қутлуғ юз ёшга тўлган кунингизни кўриш ҳаммамизга насиб этсин.***

**Сизга таъзим бажо айлаб фарзандларингиз.**






МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3886 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5